

Куч-адолатда

Ал ила олам юзин обод қил

2022 йил
22 июнь,
чоршанба
№ 26 (904)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН: ИККИ ҚАРДОШ МАМЛАКАТ ҲАМКОРЛИГИ КЕЛАЖАГИГА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 21 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Дунёда тили, урф-одатлари, маданияти, ҳатто ташқи кўринишидан бир-бирига ўхшаб кетадиган миллат ва элатлар кўп. Ўзбек ва озарбайжон халқларини ана шундай халқлар қаторига бемалол қўша оламиз. Ҳар икки миллат вакиллари бир-бирини таржимасиз тушуна олади. Турмуш тарзимиз, анъана ва урф-одатларимиз, халқ озгари ижоди ва ёзма адабиётда муштарак жиҳатларни кўплаб учратиши мумкин.

Бу икки буюк халқни асрлар, минг йиллар мобайнида бир-бирига боғлаб келган ўхшаш жиҳатлар ҳам бор. Халқларимизнинг муштарак ёдгорлиги ҳисобланмиш "Авесто" китоби, шунингдек, халқ озгари ижодининг ўлмас дурдоналари саналган "Тўрўғли", "Ошиқ Ғариб", "Дада Кўрқут" достонларини ана шу азалий қардошлик, дўстлик ва биродарликнинг ёрқин исботидир. Ўзбек муסיқасининг гулшохи саналган нодир мақомларимиз ва бетакрор Озарбайжон муғомллари орасидаги Ҳамоҳанглик ҳар икки халқ ўртасидаги яқинлиқни ўзида ифода қилади.

Президентларнинг сиёсий ородами ва узоқни кўзлаб юриятаётган оқилона сиёсати туфайли сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги янада мустаҳкамланди.

Озарбайжон Президентининг давлат ташрифи Хайдар Алиев номидаги янгиланган кўча ва унинг ёдгорлиги очилишидан бошланди.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президентини Илҳом Алиев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжоннинг умуммиллий етакчиси ва

биродар озарбайжон халқига ўз хурмат-эҳтиромини билдирди. Президент Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга ташрифи Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси, ўзбек халқининг яқин дўсти Хайдар Алиев шарафига номланган кўчанинг очилиш маросимидан бошлангани катта рамзий маънога эга.

У киши ХХ асрнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Озарбайжоннинг асосчиси сифатида тарихга кирди. Хайдар Алиевнинг қатъияти, кучли сиёсий иродаси ва бекиёс етакчилик сифатлари туфайли ёш суверен давлат барча қийинчилик ва синовларни муносиб енгиб ўтди, — деди Президентимиз.

Ўзбекистон раҳбари Озарбайжон умуммиллий етакчиси мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари ва қардош халқларимизнинг тарихий ришталарини изчил мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлади.

Озарбайжон Президенти, ўз навбатида, ушбу ташриф унинг пандемиядан кейинги илк хоржий ташрифи эканини қайд этиб, давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқига Хайдар Алиевнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлашга қаратилаётган доимий эътибор учун миннатдорлик билдирди.

— Азиз қардошим Шавкат Миромоновичдан Тошкент марказида отам Хайдар Алиев хотирасига бағишлаб шундай кўркам гўшани барпо этиш ташаббуси учун жуда миннатдорман. Биз буни ўзбек қардошларимизнинг буюк етакчимизга, умумий тарихимизга чинакам биродарона муносабати сифатида қабул қиламиз. Бу бутун Озарбайжон халқига хурмат ифодаси ҳамдир, — деди Озарбайжон етакчиси.

Маросимда зиёлилар, нурунийлар, озарбайжон юртдошларимиз ҳам сўзга чиқди. Улар Хайдар Алиев номидаги обод кўча ва хиёбон қардош халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин рамзи эканини таъкидладилар.

Ўзбекистонда озарбайжон миллатига мансуб 40 минг нафарга яқин юртдошларимиз истиқомат қилмоқда. 2003 йилда Озарбайжон маданият марказлари уюшмаси ташкил этилган. 2010 йилда Озарбайжон элчихонаси қошида Хайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият марказининг янги биноси очилган.

Шундан сўнг Озарбайжон Президентини давлатимиз раҳбари ҳамроҳликда "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизга келган олий даражадаги меҳмонлар томонидан ушбу монументга гул қўйиш маросими анъанага айланди.

Кўксарой қароргоҳида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Икки мамлакатнинг давлат байроқлари билан безатилган майдонда Озарбайжон Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни кутиб олди.

Давлат раҳбарлари шохсулага кутарилдилар. Ўзбекистон ва Озарбайжон давлат мадҳиялари янгради. Мамлакатларимиз етакчилари фахрий қоровул сафи олдида ўтилди. Маросимда Ўзбекистон ва Озарбайжон расмий делегациялари аъзолари иштирок этди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев тор доирада учрашув ўтказди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айриқошлар ҳамжи барқарор ошиб бормоқда. Қўшма корхоналар сони 4 баробар кўпайди.

2021 йил сентябрь ойида Озарбайжонда мамлакатимиз автомобилларини йиғиш корхонасининг ишга туширилгани муваффақиятли қўшма лойиҳалардан бири бўлди. Ташриф арафасида ўтказилган бизнес-форумда умумий қиймати ярим миллиард долларлик янги инвестиция ва савдо келишувлари имзоланди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари учрашув чоғида икки мамлакат ҳудудида нефть-газ, газ-кимё, тўқимачилик, фармацевтика, виночилик ва озиқ-овқат тармоқларида саноат операциясини истиқболларини муҳокама қилдилар.

Транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Транспорт йўлақларини ривожлантириш, юк ташиш тарифларини мақбуллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Президентлар ҳудудлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, биргаликдаги ишбилармонлик ва маданий тадбирларни ўтказиш, сайёҳлар алмашилувини кўпайтириш муҳим эканини қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий вазият юзасидан ҳам фикр алмашиб, кўп томонлама тузилмалар доирасидаги фаол мулоқот ва Узаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президентини Илҳом Алиевнинг музокаралари икки мамлакат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишни очар экан, Озарбайжон Ўзбекистоннинг яқин дўсти ва ўқт билан синналган, ишончли стратегик шериги эканини таъкидлади. Мамлакатларимизни дин, маънавий қадриятлар муштараклиги, анъаналар, тил ва маданият ўхшашлиги боғлаб туради.

(Давоми 3-бетда) ▶

БЕТАКРОР ЮРТИМИЗДА БАРҚАРОР ЖАМИЯТНИ ВА БАРДАВОМ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ — БАРЧАМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашди.

Мамлакатимиз Конституцияси мустақиллик йилларида эришилган барча ютуқларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келмоқда. Шу билан бирга ҳаёт ҳам, халқимизнинг дунёқараши ҳам ўзгармоқда.

Сўнгги йилларда фуқаролар томонидан Конституцияимизни такомиллаштириш бўйича кўплаб фикрлар билдириб келинаётган эди. Шунини инобатга олиб, жорий йил 20 май куни Олий Мажлис палаталари Кенгашилари томонидан Конституциявий комиссия тузилди. Утган бир ой давомида мазкур комиссияга халқимиздан 48 минг 492 та таклиф келиб тушди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари аҳолининг бундай фаоллигини, мамлакатимиз келажакига дахлдорлик ҳиссини юксак баҳолаб, конституциявий ислохотлар юзасидан ўз фикрларини билдирди.

— Янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узоқ мuddатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозим. Бир сўз билан айтганда, "Инсон қадри учун" гоёсини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган "Инсон — жамият — давлат" деган ёндашувни Конституцияимизнинг мазмунига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур.

Яъни, инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва гурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз ўз маърузасида тўртта устувор йўналишга эътибор қаратиб, уларнинг ҳар бири бўйича таклифларини айтди.

Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи биринчи йўналиш сифатида кўрсатиб ўтилди. — Инсон қадрини юксалтириш ҳақиқатда давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлмоғи шарт. Янгиланаётган Конституцияимизда ушбу тамойиллар аниқ ифода этилиши, узининг мукамал ҳуқуқий ечимини топиши зарур, — деди Президент.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи экани таъкидланди, Конституцияга "Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади", деган норма кириштириш таклифи билдирилди. Шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари муқимларини чеklangа асос бўлиши муқим эмаслигини қатъий ёзиб қўйиш зарурлиги айтилди.

Шунингдек, озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан инсоний муносабатни таъминлаш бўйича конституциявий асосларни мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Маъмурий, фуқаролик, иқтисодий, жиний ҳақобатлик ва бошқа йўналишдаги ишларни кўриб чиқишда инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари — қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ҳамда шахсга имкон қадар энгиллик яратиши кераклиги таъкидланди.

Иккинчи йўналишда "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" деган гоё илгари сурилди.

Маълумки, ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун муносиб яшаш шароитлари яратиб беради, ҳеч ким эътибордан четда қолмайди, ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмайди. Шу боис бу йўналишда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, оиланинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, болаларнинг манфаатлари ва тўлақонли ривожланиши учун барча шароитларни яратиш, ноғиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, инсон саломатлиги ва экологияни асрашга оид таклифлар билдирилди.

— Бир сўз билан айтганда, давлатнинг эркаклар ва аёллар, оилалар ва болалар, ёшлар ва нурунийлар, ноғиронлиги бор шахслар, мамлакатда ёки унинг ташқирисиди бўлишдан қатъий назар, барча инсонлар ҳақида қайғуриши Конституцияда мустаҳкамланиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Учинчи йўналиш Конституцияда маҳалланинг мақомини ҳамда давлат

органларининг бу борадаги вазифаларини аниқ белгилаш ҳақида бўлди. Бунда маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиши, бунинг учун давлат органлари уларга кўмак кўрсатишига оид тамойиллар ўз ифодасини топади.

Тўртинчи йўналиш мамлакатимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш, халқ ҳокимиятчилигини кучайтиришга қаратилгани билан жуда муҳим.

— Биз эл-юрт ташвиши билан яшайдиган халқчил давлат барпо этишни кўзлаганмиз. Бу шунинг англатадики, давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари халқ учун ишлайди, унга хизмат қилади. Давлат ҳокимияти устидан халқ назорати ўрнатилди. Конституцияга давлат органлари фаолиятида очиклик, шаффофлик ва ҳисобдорликни, мазкур органларнинг ичмам ва тежамкор бўлишини таъминлаш юзасидан қоидалар киритишни таклиф қиламан, — деди Президент.

Жумладан, ҳукуматни шакллантириш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлашда Олий Мажлиснинг таъминатлари кенгайтириш, Президентнинг айрим ваколатларини Олий Мажлисга ўтказиш бўйича таклифлар билдирилди.

Ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари кенгашига ҳам бошчилик қилиши ҳақидаги қоидалар Конституциядан чиқариб ташлаш вақти келгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Конституцияга қонунчилик таклифларини киритиш институтини жорий этишни таклиф қилди. Бу қоида орқали халқ бевосита ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини кўлга киритади. 100 минг кишидан кам бўлмаган микдордаги фуқаролар ўз қонунчилик таклифларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш имкониятига эга бўлади.

Ҳукумат ваколатларини ҳам кенгайтириб, Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимликларнинг экология, ёшлар, оилани қўллаб-қувватлаш, ноғиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоат транспортини ривожлантириш, аҳолининг дам олиши учун зарур шароитлар яратиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича масъулиятини Конституцияда белгилаш лозимлиги қайд этилди.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи экани таъкидланди, Конституцияга "Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади", деган норма кириштириш таклифи билдирилди. Шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари муқимларини чеklangа асос бўлиши муқим эмаслигини қатъий ёзиб қўйиш зарурлиги айтилди.

Шунингдек, озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан инсоний муносабатни таъминлаш бўйича конституциявий асосларни мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Маъмурий, фуқаролик, иқтисодий, жиний ҳақобатлик ва бошқа йўналишдаги ишларни кўриб чиқишда инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари — қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ҳамда шахсга имкон қадар энгиллик яратиши кераклиги таъкидланди.

Иккинчи йўналишда "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" деган гоё илгари сурилди.

Маълумки, ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун муносиб яшаш шароитлари яратиб беради, ҳеч ким эътибордан четда қолмайди, ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмайди. Шу боис бу йўналишда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, оиланинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, болаларнинг манфаатлари ва тўлақонли ривожланиши учун барча шароитларни яратиш, ноғиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, инсон саломатлиги ва экологияни асрашга оид таклифлар билдирилди.

— Бир сўз билан айтганда, давлатнинг эркаклар ва аёллар, оилалар ва болалар, ёшлар ва нурунийлар, ноғиронлиги бор шахслар, мамлакатда ёки унинг ташқирисиди бўлишдан қатъий назар, барча инсонлар ҳақида қайғуриши Конституцияда мустаҳкамланиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашув самимиий мулоқот тарзида давом этди. Конституциявий комиссия аъзолари сўзга чиқиб, аҳолининг таклифлари, ислохотлар зарурати ҳақида ўз фикрларини билдирди.

ЎЗА

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ — ИНСОН ҚАДРИ, ХАЛҚ МАНФААТИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи

Ассалому алайкум, ҳурматли комиссия аъзолари ва йиғилиш иштирокчилари!

Аввало, бугун халқимиз учун жуда муҳим сиёсий ислохотлар даврида сизлар билан кўришиб турганимдан мамнунман.

Қисқа вақт мобайнида Конституциявий комиссия томонидан Асосий қонунимизни такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Бугун сизлар билан шу борада атрофлича фикр-мулоҳаза алмашиб, устувор йўналишлар бўйича мулоқот қилиш учун йиғилиш турибмиз.

Конституциявий комиссиянинг иши, ҳеч шубҳасиз, биз олиб бораётган демократик ислохотларнинг ҳуқуқий заминини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Мен бу жараёнларни бевосита кузатиб, бир нарсага қувондим. Бошланаётган янги даврдаги ўзгаришларга фуқароларимиз бефарқ бўлмаб, ўзлари ташаббускор бўлиб, кўплаб таклифлар бермоқда ва ислохотларимизни фаол қўллаб-қувватламоқда. Улардан келиб тушган ҳеч бир таклифни эътиборсиз қолдирмасдан, Асосий қонунимизни такомиллаштириш жараёнида албатта инобатга олишимиз зарур.

Бош мақсадимиз — ҳар бир юртдошимиз ушбу ҳужжатни менинг Конституцияим деб фахрланидиган мукамал даражага олиб чиқишидир. Энди, руҳсатингиз билан, бу борадаги баъзи фикрларимни баён этсам. Сўнгра ушбу муҳим масалалар бўйича батафсил фикр алмашасак, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

Азиз дўстлар! Биз Конституцияни такомиллаштириш бўйича янги, гоят масъулиятли босқичга қадам қўймоқдамиз.

Бугунги кун ҳолатига кўра, Комиссияга фуқароларимиздан 48 минг 492 та таклиф келиб тушгани ҳам конституциявий ислохотлар объектив ҳаётий зарурат сифатида кун тартибига чиқаётганини яққол намоён этмоқда.

Конституциявий комиссия томонидан тайёрланган таклифлар чуқур муҳокамадан ўтказилди ва ҳозирда Қонунчилик палатасига киритиш босқичида. Энди қонун, регламент асосида муҳокамалардан ўтказилади.

Фурсатдан фойдаланиб, бу борадаги энг муҳим жиҳатларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Авваломбор, биз бир саволга аниқ жавоб топишимиз керак.

Нима учун айнан бугун конституциявий ислохотлар ўтказиш зарурати туғилмоқда?

Айрим юртдошларимиз, ҳатто баъзи олимларимиз ҳам Конституцияимиз замонавий демократик талабларга жавоб беради-ку, унга ўзгариш киритишга эҳтиёж борми, деган саволни ўртага қўймоқда.

Тўғри, Конституцияимиз хоржий илгор тажриба ҳамда халқаро стандарт ва талабларга ҳар томонлама мос келади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Мен 1992 йили амалдаги Асосий қонунимизни қабул қилишда иштирок этган комиссия аъзоси сифатида олдин ҳам айтганман: Ўзбекистон Конституцияси мустақиллик йилларида эришган барча ютуқларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келмоқда. Бунинг ҳаммаси яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Шу билан бирга, бугун шиддатли тараққиётнинг ўзи олдимизга қўётган муҳим бир талабни чуқур тушуниб олишимиз зарур.

Ҳозирги таҳликали замон, ён-атрофимиздаги мураккаб вазият она Ватанимиз тақдирини янада улкан

масъулият билан ёндашиб, кечиктириб бўлмайдиган стратегик қарорлар қабул қилишни тақозо этмоқда.

Албатта, ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий қиёфаси тубдан ўзгарди. Олти йил олдинги халқимиз билан бугунги юртдошларимизнинг дунёқараши ўртасида катта фарқ бор.

Биз Конституцияимизда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш гоёсини содиқ қолган ҳолда, кенг қўламли ишларни амалга оширдик ва бу борада катта тажриба орттирдик.

Инсоният илмий-технологик даврга қадам қўйди. Жаҳонда кескин трансформация жараёнилари ва рақобат кучаймоқда. Эртанги кунини ўйлаган халқлар ва давлатлар ўз келажаги ҳақида бугун ҳар қачонгидан ҳам жиҳдий бош хотирмоқда.

Шу ўринда табиий саволлар туғилади: Мана шундай ҳал қилувчи паллада ва келажақда давлатимизда, жамиятимизда инсоннинг ўрни ва қадри қандай? Қандай сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-гуманитар тамойиллар, қадрият ва манфаатлар биз учун устувор аҳамиятга эга бўлади?

Энг муҳими, конституциявий ислохотлар оддий аҳолига, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётига нима беради?

Бу саволларнинг барчасига жавобни пухта ишланган ҳуқуқий нормалар орқали Конституцияимизда акс эттириш — давр тақозосидир.

Маълумки, Асосий қонунимизнинг 12-моддасида ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги қайд этил-

ган. Бу — ўта муҳим ва жуда тўғри белгиланган конституциявий қоидадир. Чунки ҳар қандай сиёсий партиянинг мафкураси, у қанчалик обрўли ва таъсирли партия бўлмасин, фақат муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифода этади.

Чинакам халқ мафкурасини, миллатнинг энг муқаддас орзу-интилишларини фақат унинг Бош ҳужжати — Конституциясида тўлиқ ифода этиш мумкин.

Янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узоқ мuddатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, "Инсон қадри учун" гоёсини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган "Инсон — жамият — давлат" деган ёндашувни Конституцияимизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур. Яъни, инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва гурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак.

Ана шундай талаблардан келиб чиқиб, қуйидаги устувор йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчи йўналиш — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи.

Амалга оширилаётган барча ислохотларимиз марказида инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу гоё юксасман. Чунки бизнинг муқаддас динимизда ҳам, буюк алломаларимиз бой илмий ва маънавий меросида ҳам, инсон — ҳаёт гавҳари, тенгсиз мўъжиза сифатида улуғланади.

(Давоми 2, 3-бетларда) ▶

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ – ИНСОН ҚАДРИ, ХАЛҚ МАНФААТИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи

◄(Бошланиши 1-бетда)

Муқаддас Куръони каримда Аллоҳ инсонни барча мавжудотлар ичида энг азиз ва муқаррам қилиб яратгани таъкидланган.

Улуг бобомиз Мир Алишер Навоий ҳам инсонни қийнаётган муаммолар тўғри ҳал этилиб, унинг қадри жойига қўйилса, албатта эл шод, мамлакат обод бўлади, деб ёзганлар.

Дарҳақиқат, инсон муносиб шароит­да таълим-тарбия олиб, фаровон ҳаёт кечирган тақдирдагина, жамият ва давлат уйғунлигига барқарор ривожланади. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда жаҳон мқёсида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари­га, ушбу тушунчалар билан боғлиқ рейтин­г ва стандартларга биринчи даража­ли аҳамият берилмоқда.

Инсон — давлат ва жамият учун мақ­садга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмуни ва ман­баи ҳамда энг олий қадрият бўлиши лозим.

Биз барпо этаётган Янги Ўзбекистон учун инсон қадри ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устундир.

Шу боис инсон қадрини оқсаттириш ҳақиқатда давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлмоғи шарт.

Янгиланаётган Конституциямизда ушбу тамойилни аниқ ифода этилиши, ўзининг мукаммал ҳуқуқий ечимини топиши зарур.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, инсоннинг кадр-қиммати аввало унинг табиий яшаш ҳуқуқига намоён бўлади. Бу — энг улуг ва муқаддас қадриятлари­миздан биридир.

Маълумки, биз ўлим жазоси таъинланадиган жиноятлар сонини бос­қич­ма-босқич камайтириб, бу жазони тўлиқ бекор қилдик. Шунга қарамаздан, айрим фуқаролар томонидан ўлим жа­зо­сини тиклаш, уни жиноят қонунчили­гига қайта киритиш ҳақида таклифлар ҳам илгари сурилмоқда. Ваҳоланки, демок­ратик ва инсонпарвар ғояларни олий қад­рият даражасига кўтарган дунёдаги ак­сарият давлатларда ўлим жазоси бекор қилинган. Чунки яшаш ҳуқуқи — ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқи бўлиб, унга бу ҳуқуқни давлат эмас, Яратганнинг ўзи ато этган.

Агар сизлар қўллаб-қувватласангиз, Конституциямизга “Ўзбекистонда ўлим жазоси таъикланadi”, деган яна бир муҳим нормани киритишни таклиф қила­ман.

Шу тариха биз бу ёта жиддий масалада ҳеч қачон ортга қайтмаслигимизни, ин­сон­парварлик ғояларига содиқ эканми­зи­ни бутун дунёга яққол намоён қиламиз.

Яна бир муҳим масалага эътиборин­гизни қаратмоқчиман. Президент Халқ қабулхоналарига келаётган қўллаб му­ро­жаатлар тахлили шуни кўрсатмоқда­ки, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан шахс қўлга олинганда, у нима учун уш­лангани ва қандай ҳуқуқларга эга экани тушунтирилмапти. Натижада гумон қили­нув­чининг ҳуқуқлари ушланган дастлаб­ки вақтдаёқ ҳафз остида қолади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қўллаб давлатларнинг Консти­туция ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқро ҳужжатларда акс эттирилган “Миранда қолидас” ни қўллаш лозим. Яъни, шахсни ушлаш чо­ғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши шарт. Ана шу қоида­ни Конституциями­зда муҳрлаб қўйишнинг вақт-соати келди, деб ўйлайман.

Бундан ташқари “Хабеас корпус” ин­сти­ту­тини ривожлантириш зарур. Яъни, шахс суднинг қарорига қадар кўпи билан қирқ сақкиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас. Агар суд томо­ни­дан шахсни ҳибсга олиш ёки унга нисбатан бошқа турдаги озодликни чек­лаш ҳақида қарор белгиланган муддат­да қабул қилинмаса, бундай шахсни дар­ҳол озод қилиш керак. Бу ҳақдаги му­ҳим нормани ҳам Асосий қонунимизда акс эттиришимиз зарур.

Бундай қондалар инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият деган эзгу тамойилга ҳар томонлама мос келади.

Эсингизда бўлса, Конституциямиз қабул қилинганининг 25 йиллигига ба­ғишланган маросимда яқин қариндош­лари судланган, деб фуқароларни ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозим­ларга тайинламаслик билан боғлиқ ма­салага алоҳида тўхтаган эдим. Бундай номаъқул ёндашув тўғайли қўлаб ёшларимиз, малакали мутахассислари­миз айбоси айбдор бўлиб, яқин қарин­дошлари содир этган қилмишлар учун жабр тортиб келаётган эди.

Нима сабабдан бир жиноят учун бу­тун авлод жавоб бериши керак? Отасининг қилмиши учун нега фарзандлари ёки ака учун ука жавоб бериши лозим? Бундай адолатсиз “тизим” дан энди бу­тунлай воз кечамиз. Чунки халқимизга нисбатан собиқ тузум даврида, айниқса, ўтган асрнинг 30-йилларидаги сиёсий қатагонларнинг ўзи етарли эмасми?!

Шу боис Конституциямизга “Шахс­нинг судланганлиги ва ундан келиб чи­қадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қарин­дошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмас”, деб қатъий ёзиб қўйишимиз керак. Шунингдек, “Озод­ликдан маҳрум этилган барча шахсларга нисбатан инсоний муносабат ва уларнинг кадр-қиммати таъминланиши шарт”, деган норма ҳам Асосий қонунимизда ўз аксини топиши зарур.

Биз жазо муддатини ўтаётганларни ҳам қайта тарбиялаб, улар соғлом ҳаётга қайтиши учун барча чораларни кўриши-

миз керак.

Яна бир масала. Кўпчилигимиз яши биламизки, қадимги Рим ҳуқуқида олтин қондалар бор. Масалан, “ҳеч кимга бажари бўлмайдиган мажбуриятни юклама” ёки “қонун — имконсиз нарсани талаб қилмайди”, каби қондалар шулар жумла­сидандир.

Афсуски, миллий қонунчилигимизда бажариб бўлмайдиган ёки бажариш қийин бўлган нормалар ҳам учраб ту­ради. Аслида қонунлар инсонга ҳеч қачон ортиқча талаб қўймаслиги керак. Ортиқча талаб, аввало, ортиқча хара­жат дегани. Колаверса, бу коррупция­га йўл очади.

Мана, бир мисол: фуқаронинг ипоте­ка кредитидан 3 миллион сўмлик уч ой­лик қарзи бор. Амалдаги қонунчилиги­мизга кўра, банк қарздорни судга бера­ди. Лекин бу масалада даъво аризаси 3 миллион сўм, яъни реал қарз бўйича эмас, балки кредитнинг тўланмаган қис­мига, дейлик, 250 миллион сўмга нис­ба­тан берилади.

Суд аризани кўриб чиқиб, қарздор­дан 10 миллион сўмдан ортиқ давлат бож­и ундириш ва шартномадан бекор қилиш бўйича қарор қабул қилади. Узин­гиз ўйланг, 3 миллион сўмни тўлай ол­маган фуқаро 10 миллион давлат бо­жи­ни қандай тўлайди?

Бундай мантиқсиз ҳолатларнинг ол­ди­ни олиш учун янги бир нормани Кон­сти­туцияга киритиш таклифини билдир­ма­ман. Яъни, маъмурий, фуқаролик, ик­ти­со­дий, жиноий жавобгарлик ва бошқа йўналишдаги ишларни кўриб чиқишда инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳу­қуқий таъсир чоралари қонуний мақсад­га эришиш учун етарли бўлиши ҳамда шахсга имкон қадар энгиллик яратиши керак.

Биласизларми, мени кўп йиллардан бўён қийнаб келган яна бир масала бор эди, у ҳам бўлса “прописка” деган му­ам­мо.

Одамларимиз Тошкентга келиш учун йўллардаги назорат постларидадан пас­портсиз, “метрика” сиз ўта олмас эди. Ҳаммамизнинг фаҳримиз бўлган по­лит­хаймиш томоша қилишга ёки ишлашга келса ҳам ҳадиқсираб юрарди.

Нега? Чунки амалдаги Конституция­да фуқароларимизнинг эркин ҳаракат­ла­ни­шга оид нормалар тўлиқ ёзилмаган. Ваҳоланки, биронта демократик мам­ла­кат­да фуқаронинг ҳуқуқини чеклайдиган бундай тартиб йўқ.

Одамларимизни, уларнинг ҳуқуқ­ла­рини камситадиган бундай ҳолатни бартараф этиш учун биз йўллардаги на­зо­рат постларини, “прописка” деган на­р­са­ни йўқ қилдик.

Келгусида бундай тўсиқларни тизим­ли ҳал этиш учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси мамлакат бўйлаб эркин ҳара­кат­ланиш, турар ёки яшаш жойини эр­кин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши шарт. Ҳар бир фуқарога мамлакатдан тўсиқлар­сиз чиқиб ш қайтиш ҳуқуқи қафолатла­ниши лозим. Ана шу муҳим нормалар­ни Конституциями­зда қатъий белгилаб қўйишни таклиф этаман.

Шунингдек, шахсий ҳаёт дахлсизли­ги ва унинг қафолатлари айнан Консти­туция даражасида мустаҳкамланиши ке­рак. Шундангина фуқароларимизнинг тинч ва хотиржам яшashi, давлатга ва қонунга ишончи, эмин-эркин ҳаракат қили­шини қафолатли таъминлаган бўла­миз.

Иккинчи йўналиш — Асосий қонунимизда “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган тамойилни мустаҳкамлашни таклиф этаман.

Чунки “инсон қадри” тушунчаси “иж­тимоий давлат” тушунчаси билан чам­барчас боғлиқдир. Ушбу ғоянинг туб негизида ҳам аввало инсон қадри­ни урулиш, инсонга хизмат қилишдек оли­жаноб мақсад муҳассамдир.

Маълумки, ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат принциплари асосида муносиб яшаш шароитларини яратиб беради. У — иж­тимоий тафовутларни камайтириш, муҳ­тожларга ёрдам бериш бўйича самара­ли сиёсат олиб борадиган давлат моде­лидир.

Биринчидан, ижтимоий давлат муҳ­тожларга ўй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутади. У шахс ва унинг оила­си муносиб ҳаёт кечирishi учун ета­диган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқарттиришни талаб қилади.

Шу билан бирга, ишсизликдан ҳи­мо­я­ланиш, қафолатланган сифатли таъ­лим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қув­ватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир.

Шулар қаторида яшаш учун зарур ресурслар — ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, транспорт ва бошқа қулайликлар билан таъминланиш, ма­ж­бурий меҳнатга таъиқ қўйиш ҳам иж­тимоий давлатда муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий давлатда ҳеч ким эътибордан четда қол­майди, ўз муаммолари билан ёлғиз таш­лаб қўйилмайди.

Ижтимоий давлатда инсон қадри де­ганда, аввало, фуқарони яшаш учун зар­ур ўй-жой билан таъминлашни тушу­намиз.

Бизнинг халқимиз учун ўй-жой — бу Ватан ичра кичик ватандир.

вояга етказиш, миллий урф-одат ва та­рихий анъаналарни давом эттириш, тўйлар қилиш айнан ўй-жойда амалга оширилади. Фарзанд туғилса, яхши ниятлар билан одамларимиз ҳовлисига кўчатлар экиб, шу ўй, шу боғ кўп йиллар авлодларимга хизмат қилсин, деб орзу қилади.

Шу боис ўй-жойли бўлиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш ҳар бир ин­сон ҳаётида қанчалик муҳим эканини барчамиз яхши биламиз. Халқимизнинг **“Ўй борнинг ташвиши йўқ, унинг бошпанаси бор”** деган гапида чуқур маъно бор.

Яқинда “Ижтимоий фикр” нодавлат маркази ўтказган сўровномада кўпчилик юртдошларимиз доимий ўй-жойнинг борлиги — оила қуришининг асосий шар­ти, деб фикр билдирган.

Мана, кўрасизларми, оила мустаҳкам бўлиши учун инсонга аввало нима ке­рак?

Маълумотларга кўра, мамлакатимиз­да ўтган беш йилда қарийб 500 мингта янги ўй-жойлар қурилиб, фойдаланиш­га топширилди. Биринчи марта аёллар ва ёшларга, эҳтиёжманд оилаларга суб­сидиялар ажратиш тизими йўлга қўйил­ди. 2022–2026 йилларда эса реновация ва ўй-жойлар дастурлари доирасида ша­ҳарларда маънан эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ за­монавий ўй-жойлар барпо этилади. Бу­нинг ҳисобидан 275 мингдан зиёд оила янги массивларга кўчиб ўтади.

Конституциями­зда фуқароларимиз­нинг ўй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимо­ва қилиш, унинг дахлсизлигини қафолат­лаш, аҳолининг барча қатмларни, ай­ни­қса, муҳтож тоифаларни ўй-жой бил­лан таъминлаш бўйича давлатнинг маж­буриятларини мустаҳкамлаш зарур.

Халқимиз орасида “снос” деган ном билан машҳур бўлган муаммо бор. Бун­дай ҳолатга бутунлай барҳам бериш учун ўй-жой бўйича конституциявий қафолат­ни белгилаб қўйиш лозим. Яъни, суд­нинг қарорисиз ҳеч ким ўй-жойидан маҳ­рум қилинмаслиги керак. Иморат бузи­лишга тушадиган бўлса, бунинг учун бу­зишдан олдин унинг қиймати­га мос ра­вишда компенсация тўланиши шарт.

Ўй-жойга ёки шахсининг бошқа мол­мулкига унинг рухсатисиз кириш, улар­ни кўздан кечирish ва тинтув ўтказишга фақат қонунда белгиланган ҳолат ва тар­тибда йўл қўйилиши Конституцияда қатъ­ий белгиланиши даркор.

Яна бир муҳим масала. Тараққиёт­нинг кўп асрлик тажрибаси шуни кўрсатади­ки, хусусий мулкисиз, унинг ишончли ка­фолатисиз, қучли ижтимоий давлатни қуриб бўлмайди.

Шу боис Бош қомусимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий қафолатларни кучайтиришимиз лозим. Токи, қатта-ки­чиклигидан қатъи назар, ҳар бир тад­биркор доимо давлат, Конституция, қонунлар ҳамда Президент ҳимоясида эканини амалда ҳис этсин.

Ривожланган давлатлардаги каби шундай тартиб ўрнатилиши лозимки, мулкдор суд қарорисиз, ўзининг рози­лигисиз, адолатли тоvon пулисиз мулк­қидан маҳрум этилмасин.

Шу билан бирга, давлат тасарруфи­дан чиқариш ва хусусийлаштириш нати­жаларини қайта кўриб чиқмаслик ҳамда бекор қилмаслик масаласини ҳам кон­сти­туциявий қоида сифатида белгилаш­нинг вақти-соати келди, деб ўйлайман.

Иктисодийётимининг ҳаракатга келти­рувчи асосий қуч бўлган тадбиркорлик­нинг ривожланиши йўлидаги барча тўсиқ ва ғовларни олиб ташлашимиз зарур. Шу мақсадда Конституциями­зда мамлақати­ми­зда товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий маблағлар эркин ҳаракат­ланиш, ички ва ташқи савдо ривожлани­ши учун давлат барча шароитларни яра­тиш ҳақидаги нормани мустаҳкамлаши­миз керак. Бу — бошлаган ислоҳотлари­миз ва давр талабидир.

Шунингдек, тадбиркорлар қонунчи­лик­да таъиқланмаган ҳар қандай фао­лиятни амалга оширишга, ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда тан­лашга, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад олишга ҳақли экани­ни ҳам Асосий қонунимизда аниқ бел­гилаб қўйишни таклиф этаман.

Давлат хусусий тадбиркорликни рив­ож­лантириш учун қулай ишбилармон­лик ва инвестиция муҳитини ҳамда ша­роитларни таъминлаши, эркин ва ҳалоқ рақобатнинг ҳимоя қилиниши, иқтисодий фаолиятда монополасти­ришга йўл қўйилмаслигини қафолатла­ши лозим. Шу билан бирга, Асосий қонунимизда ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги аниқ белгиланиши лозим, деб ҳисоблайман.

Кишлоқ ҳўжалиги ерлари ва ўрмон фонди давлат тасарруфида бўлиб, тад­биркорлик субъектларига ижара шарт­нома­си асосида берилади, деган маз­мун­даги норма ҳам Конституциями­зда акс этиши албатта ўринли бўлар эди.

Иккинчидан, ҳар қандай инсон учун муҳим ва муқаддас қадрият — бу унинг оиласидир. Соғлом ва мустаҳкам оила — давлат таянчи ва жамиятнинг асосий бўғинидир.

Биз оилани ҳаёт давомиийлигини таъ­мин­лайдиган, миллий маданият, урф-одат ва анъаналарни, ўзлигимизни сақ­лайдиган, баркамол авлодни шаклан­тирадиган маскан сифатида эъзозлай­миз. Каттага — ҳурбат, кичikka — иzzат, одамийлик, меҳр-оқибат, она Ватанга му­ҳаббат ва садоқат каби олижаноб фази­латлар аввало оилада қарор топади.

Бугунги глобаллашув замионида оила институтини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ва му-

стаҳкамлаш учун муносиб шарт-шаро­итлар яратиб бериш зарурати тобора кучаймоқда.

Бош қомусимизда оила институтининг конституциявий асосларини ривожлан­тириш мақсадида “оила аёл ва эркакнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлили­ги асосида шаклланиши”, жамиятнинг табиий ва таянч бўғини, жамият ва дав­латнинг алоҳида ҳимоясига эканини му­стаҳкамлаб қўйишни таклиф этаман. Шу­нинг учун давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун зарур ижтимоий ва иқтисодий шароитларни яратишни, кўп бошқа оилаларга қонунга мувофиқ им­тиёз ва ижтимоий қафолатлар яратиб бериши лозим. Шунда оиланинг иқти­со­дий ва маънавий асослари янада му­стаҳкам бўлади.

Учинчидан, халқимиз ҳаётининг маз­му­ни бўлиши азиз фарзандларимиз тар­бияси ва уларнинг ёруғ келажак олиб бораётган сиёсатимизнинг муҳим йўна­ли­шидир.

Бугунги кунда 30 ёшгача бўлганлар юртимиз аҳолисининг қарийб 60 фо­зини ташкил этмоқда. Бу — биз учун жуда катта бойлик, инсоний ресурс.

Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий маҳканларни Учинчи Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари, тўрт узвий халқаси деб ҳисоблаймиз. Шундай экан, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлиши ўғил­қизларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳар то­монлама қўллаб-қувватлашни Кон­сти­туцияда мустаҳкамлаб қўйиш — дол­зарб масалалар.

Бош қомусимизда боланинг манфаат­лари, унинг жисмоний, ақлий ва мада­ний жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун барча шароитларни яратиш усту­вор йўналишлардан бири сифатида ўз аксини топиши зарур.

Шу билан бирга, давлат иқтидорли ёшларни, уларнинг моддий аҳолидан қатъи назар, доимо қўллаб-қувватлаши­ни мустақил қоида сифатида белгилаб қўйишимиз керак.

Кейинги пайтда халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида спортни оммалаш­тириш, соғлом турмуш тарзини қарор топ­тиришга катта аҳамият бераётганимиз барчангизга яхши маълум. Бу борадаги сиёсатимизни конституциявий асосда мустаҳкамлаш мақсадида Асосий қонунимизга қуйдаги қоида­ни киритишни таклиф этаман:

“Давлат жисмоний тарбия ва спорт­ни ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида маънавий ва ахлоқий етуқ инсонлар этиб тарбиялаш учун зарур шароитларни яра­тади”.

Шунингдек, Конституциямизга “Ота­оналар ўз фарзандлари вояга етуғунига қадар уларнинг тарбияси, таълим оли­ши, соғлиги, тўлақонли ва баркамол рив­ожланиши тўғрисида га­ммуҳўрлик қилиш ҳуқуқига эга ва бунга мажбурдир”, деган қоида­ни киритиш ёш авлод тақдири учун масъулиятни янада оширишга хиз­мат қилади.

Тўртинчидан, халқимизнинг мурув­ват, баргиреклиги, ёрдамига муҳтожларга бегараз кўмак бериш, имконияти че­кланган инсонларга тенг имкониятлар яратиш, меҳр-оқибат ва саховат каби фазилатлари миллий ғоямизнинг асоси­ни ташкил этади.

Бугунги кунда юртимизда 1 милли­онга яқин имконияти чекланган ва но­гиронлиги бўлган фуқароларимиз ҳаёт кечирмоқда. Сўнгги йилларда мамла­ка­ти­ми­зда имконияти чекланган фуқаро­ларимизни қўллаб-қувватлаш, уларга тенг шароитларни яратиш борасидаги давлат сиёсати мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда. Жумладан, Парламенти­ми­зда “Ногиронлиги бўлган шахслар­нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғ­рисида”ги қонун, қабул қилинди, шу­нингдек, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғри­сидаги халқро конвенция ратификация қилиниб, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Шу асосда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги мавжуд имкониятлардан тенг фойдаланиш, ҳаракатланиш, соғ­ли­қни сақлаш, таълим, спорт, бандлик, реабилитация, сиёсий-ижтимоий ҳаётда тенг шитирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқлари таъминланмоқда.

Энди ногиронлиги бўлган инсонлар — жамиятнинг тўлақоли аъзолари, де­ган тамойил негизида уларнинг консти­туциявий ҳуқуқ ва қафолатларини бел­гилаб қўйиш инсоний бурчимиздир. Жумладан, “Ногиронлиги бўлган шахс­ларни ҳар қандай шаклда ажратиб қўйиш, уларнинг ҳуқуқларини чеклаш, объектлар ва хизматлардан фойдалани­ши учун шарт-шароитлар яратишдан бош тортиш таъиқланади. Давлат улар­нинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қону­ний манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароитларни ва тенг имконият­ларни яратади. Алоҳида эътиборга муҳ­тож бўлган болалар учун таълим муассасаларида инклюзив таълим ташкил эти­лади”, деган қоидаларни киритишни таклиф қиламан.

Бешинчидан, инсоннинг меҳнатга ва муносиб ҳаёт шароитларига, ишсизлик­дан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, кам­бағалликни қисқарттириш — конституциявий ислоҳотларнинг муҳим мақсади­дир.

Мамлакатимизда ўтган қисқа даврда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида жорий этилган “темир”, “аёл­лар”, “ёшлар” дафтралари, “маҳалла­бай” ва “хонадонбай” ишлаш тизимла­ри ўзининг дастлабки ижобий натижа-

ларини бермоқда. Бироқ мазкур ишлар мунтазам, тизимли амалга оширилиши, ортга қайтмайдиган жараёнга айланиши учун мустаҳкам конституциявий қафолат лозим.

Бундан ташқари Асосий қонунимиз­да ҳар бир шахснинг қулай меҳнат ша­роитида ишлаш, меҳнати учун муносиб ҳақ олиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, меҳ­натга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласининг ҳаёт кечи­риши учун етарли миқдорда бўлиши­ни белгилашни таклиф этаман.

Барчангизга маълумки, янги авлодни дунёга келтираётган, фарзандлар тарбияси билан шуғулланаётган аёлларга азал-азалдан халқимиз алоҳида эъти­бор ва ғамхўрлик қўрсатиб келади. Шу мақсадда Бош қомусимизда хомиладор­лиги ёки ёш бўласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш таъиқланиши қатъ­ий белгилаб қўйилиши шарт.

Ҳаммангизга аёнки, кейинги йиллар­да мамлакатимизда мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати­га тўлиқ барҳам берилди. Бунинг эътирофи сифати­да яқинда “Cotton Campaign” халқро коалицияси ҳамда жаҳондаги машҳур брендлар томонидан Ўзбекистон пахта­си ва тўқимачилик махсулотларига нис­ба­тан илгари ўрнатилган бойкот бекор қилинди.

Бундай ҳолатлар бошқа қайтарилмас­ли­ги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самараси­ни ошириш мақсадида Конституциями­зда болалар меҳнати­га йўл қўймаслик ҳам ўз аксини топиши зарур.

Барчангизга маълумки, сўнгги йил­лар­да хоржий давлатлардаги ватандош­ларимизга муносабатимиз бутунлай ўзгарди. Чет элда билим олаётган, меҳ­нат қилиб дар

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ – ИНСОН ҚАДРИ, ХАЛҚ МАНФААТИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи

◄(Бошланиши 1, 2-бетларда)

Шу маънода, мен **“Ўзбекистон — ҳукукий давлат”** деган ғояни Конституциямизда аниқ мустаҳкамлаб қўйишни таклиф этаман.

Биз эл-юрт ташвиши билан яшайдиган халққил давлат барпо этишни кўзлаганимиз. Бу шуни аналтадики, давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари халқ учун ишлайди, унга хизмат қилади. Давлат ҳокимияти устидан халқ назорати ўрнатилади.

Конституцияда давлат органлари фаолиятида очиқлик, шафқофлик ва ҳисобдорликни, мазкур органларнинг ичмам ва тежамкор бўлишини таъминлаш юзасидан қоидалар киритишни таклиф қиламан.

Асосий қонунимизда халқ ҳокимиятчилигини, ҳокимиятларни бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш механизмларини таъминлашни янада кучайтириш талаб этилади. Бунда, авваламбор, Хукумат шакллантириш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлашда Олий Мажлиснинг ваколатларини кенгайтириш бўйича тегишли қоидаларни Асосий қонунимизда белгилашимиз зарур. Жумладан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги раҳбарини тайинлаш бўйича фармон Сенат томонидан тасдиқланиши тартибини жорий этишни таклиф этаман.

Шу билан бирга, Хукумат томонидан тайёрланган Коррупцияга қарши кураш бўйича йиллик миллий маърузани муҳокама қилиш масаласини парламентимиз ваколатига киритиш лозим.

Шунингдек, Олий Мажлиснинг парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларининг конституциявий асосларини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш керак. Шу мақсадда мен Президентнинг айрим ваколатларини Олий Мажлисга ўтказишни таклиф этаман. Мисол учун, Ҳисоб палатаси раисини лавозимга тайинлаш ва овоз қилиш ваколатини Сенатга ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали Ҳисоб палатаси Давлат бюджети шаклланиши ва ижросини таъминлашда парламент назоратининг муҳим воситасига айланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини ислоҳ қилишдаги муҳим масала — бу жойларда ҳокимлар ва маҳаллий кенгашлар ваколатини ажраттишдир.

Барчангизга маълумки, бу ғояни мен аввал ҳам бир неча марта илгари сурган эдим. Амалга оширган ислохотларимиз натижадама маҳаллий кенгашлар, фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органларининг ваколатлари кенгайди. Шундан келиб чиқиб, ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари кенгашларига ҳам бошчилик қилиши ҳақидаги қоидалар Конституциядан чиқариб ташлаш вақти келди, деб ҳисоблайман.

Бу ислохотнинг жорий этилиши ҳокимият ваколатларини бўлиниш принципини маҳаллий даражада татбиқ этишга, маҳаллий кенгашлар фаолияти самарадорлигини, ҳокимларнинг халқ

вакиллари олдидаги масъулиятини оширишга олиб келади. Худудларда халқ манфаатларини тўлиқ таъминлашга, ҳокимликлар фаолияти устидан кенгашлар ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Биз халқ вакиллик органлари ваколатларини бундан буён ҳам янада кенгайтириш йўлидан борамиз.

Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш мақсадида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи институтини ислоҳ қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Хусусан, Конституциямизга қонунчилик таклифларини киритиш институтини жорий этишни таклиф қиламан.

Мазкур институт доирасида 100 миң кишидан кам бўлмаган миқдордаги фуқаролар ўз қонунчилик таклифларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш имкониятига эга бўладилар. Шу асосда энди халқ бевосита қонун ижодкори сифатида ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Мазкур янги қонунчилик таклифларини киритиш институтини Олий Мажлис Сенати, Омбудсман ва Марказий сайлов комиссиясига ҳам бериш вақти келди, деб ҳисоблайман. Бунда ташаббуслар қонун лойиҳаси шаклида эмас, балки таклифлар кўринишида киритилади.

Ижро ҳокимияти органларининг конституциявий жавобгарлик соҳаларини, ваколатларини кенгайтириш билан бирга, уларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш ҳам талаб этилади.

Шу муносабат билан Хукумат ваколатларини кенгайтиришни таклиф этаман. Хусусан, Конституцияда Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимликларнинг экологига, ёшлар сиёсатини амалга ошириш, оилани қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва химоя қилиш, ноғиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий химоя қилиш, кулай жамоат транспортини ривожлантириш, аҳолининг дам олиши учун зарур шароитлар яратиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича масъулиятини белгилаш лозим.

Фуқароларнинг тинч, эркин ва фаровон яшashi Хукумат ва маҳаллий ижро органлари фаолиятининг бош мезонига айланиши зарур.

Яна бир муҳим масала. Янги Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари дадил қадам ташлаётган эканмиз, барча суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимлари шуни чуқур англаб олиши керак.

Суд-ҳуқуқ тизимини қораловчи, жаозловчи органдан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоя қилувчи органга айлантириш — ислохотларимизда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ривожланган давлатлардаги каби бизда ҳам адолатли ва мустақил суд, қонун устунлигини амалда таъминловчи прокуратура, жамоат тартибини сақловчи ва инсон ҳуқуқларини химоя қилувчи ички ишлар, миллий гвардия, кучли адвокатура тизимини яратиш

асосий вазифамиздир.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Конституция моддаларини бевосита амалга ошириш механизми ҳақида ҳам фикр алмашиб олишимиз зарур.

Конституциянинг олий юридик кучга эга экани, тўғридан-тўғри қўлланиши, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ажралмас ва дахлсиз бўлиб, ҳар кимга тўғилганидан бошлаб тегишли экани қайд этилмоқда. Буларнинг барчаси Асосий қонуннинг ҳимоячиси бўлган Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мазкур суд, бошқа судлардан фарқли ўлароқ, фақат Конституцияга бўйсунди ҳамда Асосий қонуннинг устунлиги принципини таъминлайди. Бунда Конституциявий суд қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимият чиқарган ҳужжатларда, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий принцип ҳамда Конституция нормаларига амал қилинишига эътибор қаратади.

Шу муносабат билан Конституциявий суд ишини тубдан ўзгартириш, унинг ваколатларини аниқлаштириш ҳамда ҳисобдорлигини ошириш лозим.

Шунингдек, Конституциямизда фуқаролар ва юридик шахсларнинг муайян ишда суд томонидан уларга нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мослигини текшириш ҳақидаги шикоятларини кўриб чиқишни Конституциявий суднинг ваколатида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Азиз дўстлар!

Барча эзгу мақсадларимизнинг амалга ошиши миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликка, юртимиз тинчлиги ҳамда хавфсизлигига боғлиқ. Мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат ушбу вазифалар ечимига қаратилган.

Ўтган даврда биз жаҳоннинг қўллаб-даватлари билан, хусусан, минтақадаги барча мамлакатлар билан ҳамкорликни яхшиладик, яқин кўшничлик ва дўстлик муҳитини мустаҳкамладик.

Шундан келиб чиқиб, Асосий қонунимизга Ўзбекистон барча давлатлар, энг аввало, ўзининг яқин кўшилари билан тинчликпарвар ва дўстона сиёсат юритиши, унинг ташқи сиёсати инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, давлатларнинг ҳудудий яқлтилигига оид принцип ва нормаларга асосланиши ҳақидаги моддани кўшишни таклиф этаман.

Шунингдек, мамлакатимиз ва жаҳонда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг концептуал-ҳуқуқий асосларини янгилаш ва такомиллаштириш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси 1997 йилда тасдиқланган. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси эса 2012 йилда қабул қилинган.

Яққол кўриниб турибдики, мазкур икки муҳим ҳужжат бугунги дунёда шиддат билан ўзгариб бораётган янги

шарт-шароитларга тўлиқ жавоб бера олмаяпти.

Шу муносабат билан, ҳозирги пайтда кенг омма муҳокамасида бўлиб турган конституцион ислохотларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини янги тахрирда ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман.

Мазкур ҳужжатларнинг ўта муҳимлигидан келиб чиқиб, ушбу концепцияларни ҳам Конституциявий қонун шаклида қабул қилишни таклиф этаман.

Мухтарам мажлис қатнашчилари!

Албатта, халқимиздан Комиссияга келиб тушган барча муҳим ва долзарб таклифларни бугун Сизлар билан батафсил муҳокама қилиш имкониятига эга эмасмиз. Мен уларнинг айримларига тўхталиб ўтдим, холос.

Конституциявий комиссия биринчи босқичда ўз ишини якунига етказиб, халқимиздан келиб тушган барча таклифларни тизимлаштирган ҳолда, Олий Мажлис палаталарига тақдим этиш арафасида турибди.

Энди олдимизда бу ишларимизнинг иккинчи босқичи, яъни ана шу таклифларни халқимиз, жамоатчилигимиз билан яна бир бор ҳар томонлама кўриб чиқиб, қабул қилиш вазифаси турибди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардим: биз шу кунга қадар барча ислохотларни бугун халқимиз билан бамаслаҳат амалга ошириб келяпмиз. Уйлайманки, Конституцияга киритиладиган ҳар бир ўзгартиш ва қўшимча, албатта, умумхалқ муҳокамасига қўйилиши зарур. Чунки эл-юртимиз гоят муҳим ва ҳал қилувчи тарихий танлов олдига турибди.

Конституциявий ислохот орқали биз Янги Ўзбекистонда инсон кадрини амалда энг олий қадрият даражасига кўтаришга қаратилган барча амалий ишларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиб, эртанги кунимиз, келажагимиз қандай бўлишини белгилаб олишимиз лозим.

Шу маънода Комиссия таклифи асосида Парламент томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқишни, ҳамда референдум ўтказиш йўли билан қабул қилишни таклиф этаман.

Тўғри, амалдаги қонунчилигимизга кўра, парламентнинг ўзи ҳам Конституцияга ўзгартиш киритиш ваколатига эга. Лекин конституциявий ислохотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида, референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси — ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади, деб уйлайман.

Бу “Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи — халқдир” деган тамойилга тўла мос келади. Шунда ҳар бир ватандошимиз “Янги Ўзбекистон Конституцияси — менинг Конституция” деб юксак ғурур билан айта олади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизга муրожаат қилмоқчиман.

Азиз ватандошлар, бугун нотинч дунёда, ўта тахликали замонда яшаётимиз. Мамлакатимиз тараққиётида гоят масъулятли даврни бошдан кечирмоқдамиз.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида бошланг барча ислохотларимиз ҳар биримизнинг бугун ва келажакда фаровон ҳаёт кечирishiимизни таъминлашга қаратилган.

Ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, шаъни ва ғурурини улуглаб, Ватани ва халқига тоғдек таянч бўлиб яшашга қодир, эркин ва азму шижоатли инсонлардир.

Шу боис барчамиз Конституцияга киритиш таклиф этилаётган янги норма ва қоидаларни онгу тафаккуримиз, ҳалқимиздан ўтказиб, уларга ҳолис ва қақбоний муносабатимизни билдиришимиз лозим.

Барчамиз Асосий қонунимизда ўзимизни, оиламизни, маҳалламизнинг орзу-умидларини кўришга интилаётганимиз — бу табиий ва мутлақо тўғри.

Уйлайманки, Конституцияга киритиладиган барча тузатиш ва қўшимчалар мамлакатимизнинг 14 та ҳудудий бирлигидан иборат ягона давлатни, миллати ва элатидан қатъи назар, ягона ва қудратли Ўзбекистон халқини янада жипслаштиради ҳамда улугвор мақсадлар сари сафарбар этади.

Шу боис барча азиз ватандошларимизни конституциявий ислохот жараёнида янада фаол қатнашишга чақирарман.

Ҳеч қачон унутмайлик, бу жараёндаги иштирокимиз билан ўзимиз, оиламиз, фарзандларимиз мана шу муқаддас заминда янада эркин ва фаровон яшashi учун мустаҳкам пойдевор яратамиз.

Қадрли ватандошларим!

Сизларни ишонтириб айтмоқчиман, давлатимиз янгиланаётган Конституциявiй моддаларини ҳаётда тўла қарор топтириш учун барча куч ва воситаларни сафарбар этади.

Бу янгиликлар аниқ қонун ва кодекслар, амалий дастурлар ва режалар билан ҳаётимизда албатта ўз аксини топади. Ҳар бир конституциявий норма ижросини таъминлаш бўйича аниқ ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилади.

Ишончим комил, эл-юртимиз эзгу ниятлар билан бошлаётган умидли ва барқарор ислохотларимизни албатта қўллаб-қувватлайди. Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши конституциявий ислохотларнинг бошланиши, холос. Конституциявий ислохотларни том маънода ҳаётга татбиқ этиш учун олдимизда янада муҳим ва масъулятли вазифалар пайдо бўлади.

Аввало, барча қонунларимизни, бугун қонунчилигимизни қайтадан кўриб чиқиб, янги конституциявий нормаларга мувофиқлаштиришимиз лозим.

Давлат органлари, давлат бошқаруви тизимини конституциявий ислохотларга мос ҳолда такомиллаштириш зарурати туғилади.

Иккинчидан, боғчадан бошлаб

олийгоҳга қадар бугун таълим-тарбия тизимини конституциявий норма ва таъмоиллар билан қамраб олинишни даркор.

Баркамол авлод, миллий ва умумбаршарий қадриятлар руҳида вояга етаётган ёшлар тарбияси Конституцияда мустаҳкамланган норма ва қоидаларни фарзандларимиз онгига сингдиришдан бошланиши зарур.

Ҳар бир фуқароимизда конституциявий ҳуқуқ маданиятини, конституциявий онгни ва Асосий қонунга ҳурмат ҳиссини шакллантиришимиз керак.

Учинчидан, олдимизда турган энг муҳим вазифа — барча давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқароларни янги конституциявий норма ва принципларга оғишмай амал қилишини таъминлашдан иборат. Конституция тўғридан-тўғри амал қиладиган ҳужжат бўлиши шарт.

Давлат органлари, айниқса, судлар ўз фаолиятида Конституцияга тўғридан-тўғри муурожаат қилиши, унинг нормаларига асосланиб иш кўриши зарур. .

Ҳар бир фуқаро кундалик ҳаётида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш ва химоя қилишда Конституциямиздан кучқувват олиб ҳаракат қилиши, унга таяниш лозим.

Бугунги шиддатли замонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган демократик фуқаролик жамияти барпо этиш орқали Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ривожланган давлатлардаги инсонлардан кам бўлмаган ҳолда ишлаши ва яшashi учун шароит яратиш — асосий вазифамиздир.

Биз ишлашга — иши, яшашга — уйи бўлган, фуқаролари тинч ва эркин, ҳаётдан мамнун, дастурхони тўқин, оилада бахтиёр ва фаровон яшайдиган давлат куришни мақсад қилганмиз.

Биз ана шундай буюк ишлар арафасида турибмиз. Кучли иқтисодиёт барпо этиб, дунёда муносиб ўрнимизни эгаллашимиз, халқимизга юксак шароитлар яратиш учун ҳам жуда кўп ишларни биргаликда амалга оширишимиз керак.

Бетақрор юртимизда барқарор жамиятни ва бардавом тараққиётни таъминлаш — барчамизнинг бош мақсадимиздир.

Мен бугун халқимизни ана шу буюк мақсадга эришишда ўзаро бирдамликка ва ҳамжиҳатликка чақираман.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси бўладиган янгиланаётган Конституциямизга таяниб, Янги Ўзбекистонни албатта биргаликда барпо этамиз.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин гоят мураккаб шароитда бундай улкан ислохотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшган инсонларни келгуси авлодлар ҳеч қачон унутмайди.

Ана шундай буюк бахт ва шараф барчамизга ёр бўлсин!

Сўзимнинг якунида барчангизга ана шундай улуг ишларни амалга оширишда ютуқ ва омадлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН:

ИККИ ҚАРДОШ МАМЛАКАТ ҲАМКОРЛИГИ КЕЛАЖАГИГА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛДИ

◄(Бошланиши 1-бетда)

Шавкат Мирзиёев ўзаро манфаатли ҳамкорлик юксак даражага чиққани, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ва ўзаро англашув мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклигини янада кенгайтириш ва уни янги амалий мазмун билан бойитишга интилиш қатъий эканини тасдиқлади.

Ўзбекистон Президенти ҳамкорлик учун мавжуд улкан салоҳиятني ишга солиш, икки мамлакат иқтисодиётини тўлдириб туривчи омиллардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ўзаро савдо ҳажмини ошириш, sanoат кооперациясини кенгайтириш, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, вичночилик, озиқ-овқат, қурилиш, нефть-газ, газ-кимё, фармацевтика, агроcаноат ва бошқа тармоқларда қатор лойиҳаларни амалга оширишни таклиф этди. Мамлакатларимизда истиқболли кооперация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва илгари суриш мақсадида қўша Инвестиция фондини ташкил этишга келишиб олинди.

Шунингдек, маҳсулотларни учинчи мамлакатлар бозорига экспорт қилиш учун давлатларимиз ҳудудидаги эркин иқтисодий зоналарда қўша лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шу маънода, транспорт коммуникацияри тизимидан, шу жумладан, “Боку — Тбилиси — Қарс” темир йўлидан фойдаланган ҳолда бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари келишиб олинди. Икки томонлама савдо ва товарлар транзити йўлидаги тўсиқларни ўз

вақтида бартараф этиш учун Транспорт вазирлари раҳбарлигидаги махсус ишчи гуруҳ ташкил этилади.

Ҳамкорликнинг яна бир истиқболли йўналиши — кишлоқ ҳўжалиги. Бу борадаги имкониятлар қайд этилар экан, мутасадди вазирларга ипакчилик кластерини ташкил этиш, гўёзачиликдаги лойиҳаларни илгари суриш, инновацион ишланмаларни жорий қилиш бўйича “йўл харитаси”ни келишиб олиш топширилди. Кўп қирралли ҳамкорликни кенгайтиришда худудлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар муҳим ўрин тутади. Томонлар яқин фурсатда мамлакатларимиз пойтахтлари ва йирик шаҳарлари ўзаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишига келишиб олдилар. Давлатимиз раҳбари жорий йилда Тошкент шаҳрида биринчи Худудлар форуми ва уларнинг sanoат салоҳиятига бағишланган кўргазмани ўтказиш таклифини илгари сурди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳам ишбилармонлик ва гуманитар алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши қайд этилди. Президентлар бу борада алоҳида дастур қабул қилиш ва қўша туризм ярмаркасини ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватладилар.

Музокаралар чоғида маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, жумладан, Маданият ва кино кунларини ўтказиш, олий таълим даргоҳлари, илмий муассасалар, спорт ва ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни кучайтириш юзасидан қатор бошқа келишувларга ҳам эришилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Илҳом Алиев Ўзе-

бекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, давлат раҳбарлари хузурида икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида 18 та ҳўжат имзоланди. Худудларро ҳамкорлик, sanoат, халқаро автомобиль қатнови, ноқонуний миграцияга қарши курашиш, ўсимликлар карантинини ва химояси соҳаларидаги ҳамкорлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги биттиmlар ҳамда туризм соҳасидаги ҳамкорлик дастури шулар жумласидир.

Ушбу ҳўжатлар Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорликнинг қатор истиқболли йўналишларида амалий шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президентлар музокаралар очиқлик, ўзаро ишонч, англашув ва дўстона руҳда ўтгани, имзоланган ҳўжатлар Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон делегациясини самимий қутлаб, икки халқ муносабатларининг шонли тарихи бугунги кўп қиррalli ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратганини таъкидлади.

— Маънавий қадриятларимиз, динимиз бир, маданият ва тилими ўхшаш, — деди Шавкат Мирзиёев. — Аҳмад Фарғоний ва Абу Райҳон Беруний асарларида Озарбайжоннинг шарқ ва ғарб тамаддуллари бир-бирини бойитган қўллаб шаҳарлари тилга олинган. Шарқшунослик институ-

ти фондларида эса Низомий, Хоконий, Тусий, Фузўлий, Хатойи ва бошқа озарбайжон шоир ва мутафаккирларининг ўнлаб ноёб қўлёзмалари авайланиб сақланмоқда.

Бу ўзбек халқи азал-азалдан озарбайжон маданиятига катта ҳурмат ва қизиқиш билдириб келатганининг яна бири далилидир, — деб таъкидлади Ўзбекистон етакчиси.

— Тор ва кенгайтирилган таркибдаги учрашувларда икки томонлама кун тартибидаги масалаларни батафсил муҳокама қилдик. Музокаралар ҳамкорлигимизни халқларимиз манфаатлари йўлида бун

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг жорий йилдаги 2-сонидан жой олган дастлабки мақола шундай номланади. Бинобарин, ушбу долзарб мавзудаги мақолалар Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли қонунчилик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ислохотларга бағишланган.

Мутолаа

Хотин-қизлари қадр топган юрт

Олий Мажлиси Сенати раиси Т.Нарбоевнинг мақоласида мамлакатимизда халқчил ва инсонпарвар давлатни такомиллаштиришнинг натижалари ва истиқболли режалари баён этилган.

"Аёлларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари" рукида Бош вазир ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси З.Маҳкамова, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Хусанов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, иқтисод фанлари доктори Г.Абдурахмонова ва бошқаларнинг мақолалари эълон қилинган.

"Жамият ва ҳуқуқ", "Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон тажрибаси" руқлида таниқли олимлар — Қозон федерал ҳуқуқ университети



профессори А.Абдулин (Россия), Ҳуқуқшунослар маъласини ошириш маркази профессори Л.Саидова, Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти ходими Х.Юнусовнинг илмий мақолалари билан танишиш мумкин.

ЁШЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — МУҲИМ МАСАЛА



Мамлакатимизнинг келажаги бўлмиш ёшларимизни ҳар томонлама етук, билимли, салоҳиятли шахс, қомил инсон сифатида тарбиялашга ўзига хос тарзда, замонавий усуллар асосида ёндашишмоқда. Уларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари, имконият ва манфаатларини ҳимоя қилишда ташкилий-ҳуқуқий асослар замон билан ҳамнафас такомиллашиб бормоқда.

Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда ёш авлод тақдирини учун масъулиятни янада ошириш борасида Асосий қонунимизга муҳим қоида кириштириш тақлиф этдилар: "Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида маънавий ва ахлоқий етук инсонлар этиб тарбиялаш учун зарур шароитларни яратилади". Шунингдек, Конституциямизга "Ота-оналар

ўз фарзандлари вояга етгунига қадар уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлиғи, тўлақонли ва барқамол ривожланиши тўғрисида гамхўрлик қилиш ҳуқуқига эга ва бунга мажбурдир", деган меъёрни ҳам киритиш тақлиф этилди.

Мен бу тақлифларни нафақат депутат, балки бир она сифатида ҳам қўллаб-қувватлайман. Бунда ҳар бир оила, ота-она ўз фарзанднинг соғлиғи, унинг ўз вақтида тиббий профилактикага, соғлом турмуш тарзи кўникмаларига риоя этилиши ёшлигидан ўргатиб, тарбиясига сингдириб борса, таълим олиши ва келажаги бўйича қайғурса, шу билан келажақда юртининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига катта ҳисса қўшган бўлар эди.

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Ёшлар барча даврларда жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этиб келинган. Шарқ уйғониш даврида ҳам, жадидлар фаолиятида ҳам жамиятнинг янгилашишида ёшларнинг ўрни бекиёс бўлган. Шу боис мустақил фикрлайдиган, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялашга қаратилган давлат сиёсати ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш, уларнинг интеллектуал, ижодий салоҳиятларини қамол топтириш учун шарт-шароитлар яратишни кўзлайди.

Бу борада ҳар бир ота-она, ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳалла фарзандлар таълим-тарбиясини энг асосий вазифа сифатида билиб, ёшларни халқимизга ёт ва янги авлод онги учун зарарли бўлган салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, миллат ва давлат тараққиётини дунё ҳамжамиятига кўрсатишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаш ҳам қарз, ҳам фарздор. Зеро, инсон ҳаёти одоб-ахлоқ, таълим-тарбия билан бевосита боғлиқ.

Қизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты
ЎЗА

Ғизиқарли фактлар



Кучли хотирага эга буюклар

Тарихга, буюқ аллома-ю мутафаккирлар ҳаётига назар ташласак, уларнинг буюқлик шохсупасини забт эттишга фавқуллоғга қуввайи ҳофизаси, кучли хотираси ҳам сабаб бўлган, деган ҳаёлга боришимиз табиий.

Мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, кўпчилик ўз ҳаётидаги воқеаларнинг атиги 4-5 фоизинигина ёдда сақлаб қолади, холос. Инсоннинг истеъдодига қараб бу кўрсаткич ҳам ортиб бориши мумкин. Тарихда бир марта кўрган одамни ҳеч қачон унутмайдиган, умрининг ҳар лаҳзасини эслаб оладиган иқтидорли кишилар ҳам кўп учрайди.

Масалан, қадимги Эрон шоҳи Кайхисравнинг хотираси шу қадар кучли бўлганки, у ўз қўшинидаги ҳар бир аскарни номма-ном билган. Холбуки, унинг мунтазам армиясида 50 минг нафардан зиёд аскар бор эди. Рим императори Юлий Цезар ҳам ўзининг барча аскарларини таниган.

Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам гапириб, ҳам фикрлаб, ҳам ёза олишини тасаввурга сиғдириш мушкул. Рим ноити Цицерон ҳар уччала ишни бир вақтнинг ўзида бемалол уддалаган экан. Энг қизиги, у маълум бир мавзуда фикр юритиб, бошқа бир мавзуда хотирасига муҳраб олар, кейин ўша саҳифани ёддан айтиб берарди.

Американинг собиқ президенти Теодор Рузвельт ҳам бу борада бошқалардан яққол ажралиб турган. Яқин сафдошларининг ёзишича, Рузвельт бир кўрган одамни яхши эслаб қолар, кейинги учрашувда уни ўзи исми билан атаб, суҳбатдошининг хурматини қозонарди.

У ҳали президентлик мартабасига эришувидан анча илгари бир япон банкири билан танишиб қолади. Улар молиявий мавзуда узоқ суҳбатлашадилар. Аммо ниҳоятта сабаб билан суҳбат чала қолади.

Орадан ўн беш йил ўтиб, президент Рузвельт олиймақом анжуманлардан бирида япон банкирини учратиш қолади ва унга узилиб қолган суҳбат мавзусини эслатади. Ўша пайтда банкир унга тасанно айтишдан бошқа чора тополмайди.

Машҳур инглиз шоири Жорж Байроннинг шеърли хотираси жуда кучли бўлган ҳам манбалардан маълум. У умри давомида ёзган барча шеърларини ёддан биларди. Нега энди бу борадаги мисолларни фақат гарбдан кидиришимиз керак? Аслида буюқ бобокалонларимиз ҳам кучли қувва ҳофизалари билан барчада ҳайрат уйғотишган.

Улуғ ҳаким, Шарқда "Шайх урраис", Фарбда "Авиценна" номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Синонинг ўткир хотирага эгалиги зарбулма-салга айланган эди. Манбаларга кўра, улуг мутафаккир Куръони қаримни гўдақлик

пайтидаёқ ёд олган, ҳар бир гиёҳнинг турк, араб, форс тилларидаги номи ва қандай касалга шифо бўлишини ёддан билган. Шу боис у ҳали йигирма ёшга тўлмай туриб, оламга машҳур табиб сифатида танилган.

Ривоятларга кўра, Ибн Сино унутмайдиган, умрининг ҳар пайтини ҳам яхши эсланган. У бир гал энагаси билан гаплашиб ўтириб, "болалигимда осмон кўзимга негидир митти тўртбурчаклардан иборат бўлиб кўринарди" деганида, энагаси ҳайратдан лол қолади. Маълум бўлишича, алломани гўдақлик пайтида очик осмон остида ётқизиш қўйишар, турли ҳашаротлар чақмаслиги учун беланчак устига доқага ўхшаган юққа мато ташлаб қўйишар экан. Гўдақ осмонни илк бор ана шу мато тўқималари ортидан томоша қилган.

Фалакиёт илмининг етук билимдони Мирзо Улуғбек самоддаги ҳар бир юлдузнинг жойлашув ўрни ва ҳаракатини ёддан билган. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Мирзо Улуғбек овни ниҳоятда хуш кўрган ва ҳар галги ов таассуротларини бир дафтарга қайд этиб борган. Кунларнинг бирида ўша дафтар йўқолиб қолади. Мулозимлар қанча излашмасин, уни топа олишмайди. Кейин ҳукмдор янги дафтарга барча ов хотираларини қайта ёзиб чиқади. Орадан кўп ўтмай, ҳалиги йўқолган дафтар ҳам топилиб қолади. Янгиши билан солиштирилганда, деярли бирор тафовут топа олишмайди.

Назм мулкнинг султони, ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳам юксак истеъдод ва қобилият эгаси бўлган. Болалигидан ўз даврининг машҳур шоирлари қаламига мансуб эллик минг байтга яқин шеърни ёд билган.

Ёш Алишер мактаб ёшидаёқ буюқ мутафаккир Фаридууддин Атторнинг "Мантик-ут-тайр" достониға қаттиқ берилиб кетади. Бу асар унинг ёшига тўғри келмаслигини англаган устози ва отаси китобни қўлидан олиб қўйишди. Бироқ энди кеч бўлганди. Чунки Алишер бу асарни бошдан-оёқ ёд олишга улгурганди.

Қатагон қурбонига айланган шоиримиз Усмон Носир ҳаётида ҳам ана шундай гайритабиий ҳодисалар кўп бор юз берган. У Лермонтовнинг "Боқчасарой фонтани" асарини ўзбек тилига таржима қилиб таҳририятга олиб боради. Маълум сабабларга кўра, таржима йўқолиб қолади. Уни ҳарчанд изласа-да, топа олишмайди. Ёш таржимон бундан сира афсусланмайди. Чунки у ўзи таржима қилган асарни аллақачон ёдлаб олганди. У ўз хотирасига таяниб, асарнинг таржима вариантини қайта тиклайди...

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Жиноятга жазо муқаррар

Эгизак талончилар

ёхуд жиноятнинг сабаби нима?

Амалдаги Жиноят кодексининг 166-моддасига биноан, ўзганинг мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш талончиликдур.

Талончилик унча оғир бўлмаган жиноят сифатида таснифланади. Афсуски, сўнги пайтларда ушбу жиноят жуда кўп содир этилмоқда.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида яшовчи эгизаклар Жамоллидин ва Камоллидин Фиёсов (исм-шарифлар ўзгартирилган) шундай жиноятга қўл уришди. Уларга маҳалладоши Фозилжон Сойипов шерик бўлди. Дастлаб уччовлон ўтган йилнинг 18 август кунининг пули ёки буюминини қўлга киритиш тўғрисида олдиндан ўзаро жиноий тил бириктиришади. Улар кечки пайт Мирзо Улуғбек тумани, "Ўзбекистон овози" кўчасидаги кўп қаватли уйнинг олдида Софья Мишневанинг нархи 280 АҚШ долларига тенг бўлган "Samsung Galaxy A 32" русумли уяли телефон аппаратини тортиб олиб, воқеа жойидан қочиб кетишади. Эртаси кун эса, талончилар "Буюк Ипак йўли" метро бекати ёнига келишади. Бу пайтда фуқаро Шерзод Жўраев метро бекати яқинидаги банкоматдан пул ечмоқчи бўлиб турганди.

— Илтимос, телефонингизни бериб туринг. Танишимга кўнғироқ қилиб олай, — дейди Фозил.

Уларнинг гараз ниятидан беҳабар бўлган Ш.Жўраев баҳоси 2.800.000 сўмлик "Samsung Galaxy A 12" русумли телефон аппаратини унинг қўлига тутқазди. Ф.Сойипов телефонни олгач, ким биландир гаплашгандек бўлади. Шунда Жамоллидин Ш.Жўраевнинг ёнига келиб, банкоматдан қандай тартибда валюта ечиш мумкинлигини сўрайди. Шерзод Жўраев унга тушунтираётган пайтда Фозил билан Камоллидин кўздан ғойиб бўлишади.

— Шерикларингиз қаяққа кетишди?, — дея ажабланиб сўрайди Ш.Жўраев.

Бироқ Ж.Фиёсов уларни танимаслигини маълум қилади.

Шундан сўнг ҳамтовоқлар уч хафта "танаффус" қилишади. 2021 йил 9 сентябрь кунининг шом қоронғусида улар яна "Буюк Ипак йўли" кўчасида пайдо бўлишади. Кейин қоронғу тушишини кутиб, ўша атрофда ўралашиб юришади. Ярим тунда шу ҳудуддаги 165-уйнинг олдида ўтиб кетаётган Тохир Абдуллаевни тўхтатишади.

— Укамни йўқотиб қўйдим. Шунинг учун телефонингиздан кўнғироқ қилиб олсам бўладими? — деб сўрайди Фозил ўзини азият чекаётгандек кўрсатиб.

Т.Абдуллаев унинг ёлғонига ишониб, нархи 180 АҚШ долларига тенг бўлган "Samsung Galaxy A 20" русумли телефон аппаратини беради. Ф.Сойипов ўзини кимгадир кўнғироқ қилаётгандек

— Бор, ўзинг сигарет олиб кел! — дея буюради Фозил Жамоллидинга.

Кейин у телефон аппаратини Камоллидинга бериб юборади-да, Т.Абдуллаевга сурбетларча юзланади:

— Ака, менинг онам касал,



тутиб, орқасини ўгириб турган вақтда Жамоллидин ва Камоллидин Тохирдан сигарет сўрайди.

— Узр, мен чекмайман, — дея жавоб беради телефон эгаси.

— Бор, ўзинг сигарет олиб кел! — дея буюради Фозил Жамоллидинга.

Кейин у телефон аппаратини Камоллидинга бериб юборади-да, Т.Абдуллаевга сурбетларча юзланади:

— Ака, менинг онам касал,

дори-дармонларига пул керак. Илтимос, телефонингиздан воз кечинг...

— Нималар деяпсиз? Онангиз касал бўлса, айб мендами? — дея эътироз билдиради Т.Абдуллаев.

Аммо Ф.Сойиповга унга телефонини қайтариб бермаслигини айтади.

— Телефонимни қайтариб беринг, — дея талаб қилади Т.Абдуллаев.

— Мен сендан телефон олдимми? Кимга берган бўлсанг, ўшандан сўра! — деб тиржади Камоллидин уни мазах қилгандек.

Шундан сўнг талончилар Жамоллидин тўхтатган таксига ўтириб, воқеа жойидан қочиб кетишади. Т.Абдуллаев таксининг давлат рақамини эслаб қолиб, тезда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат этади. Шу боис жиноятчиларни қўлга олиш қийин кечмайди. Чунки ундан аввал жабранувчилар С.Мишнёва ва Ш.Жўраев ҳам Мирзо Улуғбек тумани ИИБга мурожаат қилишган эди. Шундан сўнг талончиларга

нисбатан жиноят иши кўзгатилади. Яқинда жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди судланувчиларни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топиб, қонуний жазо тайинлади.

Баён этилган жиноят тафсилоти бу каби ҳолатлар юзасидан жиддий чора-тадбирлар кўриш, бунинг учун масалага дахлдор шахсларнинг масъулияти, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини ошириш зарурлигини кўрсатади. Талончиликка асосан ҳеч қаерда ўқимайдиган ёки ишламайдиган ёшлар қўл урмақда. Демак, жамоатчилик, айниқса, маҳалла фаоллари, ёшлар етакчиси ва профилактика инспектори бу масалага доимий эътибор қаратиши керак. Аниқроғи, бу тоифадаги ёшларнинг бандлигини таъминлаш орқали жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мумкин.

Санжар АБДУҒАНИЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улуғбек тумани
суды судьяси

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икром МУСЛИМОВ

Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: 71-241-01-56, 71-239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-615 Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. Адади: 6472
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 1²⁰.